

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазири ўринбосари


А.Муминов

2022 йил “15” март

**Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган айрим қонун
ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг
мазмун – моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш
юзасидан навбатдаги йиғилиш**

БАЁНИ № 13

2022 йил 15 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.Муминов – вазир ўринбосари

Қатнашганлар:

Транспорт вазирлиги, ҳудудий
бошқармалар, тизим ташкилотлари
раҳбар ва ходимлари

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 февралдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-74-сон қарори мазмун – моҳияти ва аҳамияти муҳокамаси.

(Сўзга чиққанлар: Муминов, Орипов, Муртазоев,... Муминов)

Кун тартибидаги масала юзасидан, Транспорт вазири ўринбосари А.Муминов йиғилишни очиб, кун тартибида белгиланган қонун ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва

хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, жумладан ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларининг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда юритиш мақсадида қабул қилинганлигини, Адлия вазирлиги жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланганлигини, Адлия вазирлиги томонидан жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш мақсадида «Хуқуқий тарғиботни баҳолаш тизими» электрон портали ишлаб чиқилганлиги ва бошқаларни баён қилиб, кун тартибидаги масала юзасидан музокара учун сўзни бош юрисконсулт **А.Орипов**га берди.

Кун тартибига киритилган масала юзасидан бош юрисконсулт **А.Орипов** ўз музокара нутқида, қарорга мувофиқ: электрон портал Адлия вазирлиги томонидан қуйидаги мақсадларда юритилишини, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашни очик ва шаффоф тарзда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича дастурлар, «йўл хариталари» ва бошқа чора-тадбирлар режалари амалга оширилишини назорат қилиб бориш, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ва ижрочиларга тушунтириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳаққонийлигини таъминлаш, уларнинг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича фаолият натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг фаолияти самарадорлиги рейтингини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда масъулиятини кучайтириш, электрон портални юритиш билан боғлиқ харажатлар Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини, Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни баҳолаш мезонлари ва жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш схемаси ишлаб чиқилганлигини ва бошқаларни баён қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан музокара учун сўз бош юрисконсулт **Ж.Муртазоев**га берилди, у ўз нутқида: юқорида баён этилганларни давом эттириб, қарор билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, хуқуқий тарғибот тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган махсус электрон портал орқали амалга оширилишини, электрон порталдан фойдаланиш учун ҳар бир давлат органи ва ташкилотига алоҳида логин ва парол берилишини, давлат органи ва ташкилоти раҳбари

электрон порталдан фойдаланишга масъул бўлган ходимларни белгилашини ва уларнинг ҳисобини юритишини, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам мониторинг қилиб борилишини ҳамда ҳар йили икки маротаба (январь ва июль ойларида) масъул давлат органлари ва ташкилотларининг электрон порталга киритган маълумотларини таҳлил қилиш, зарурат бўлганда эса жойига бориб ўрганиш орқали баҳоланишини, давлат органлари ва ташкилотларининг электрон порталга киритган маълумотлари ҳар йили 20 январга ва 20 июлга қадар Адлия вазирлиги томонидан пухта таҳлил қилиниши ҳамда ўтказилган тадбирлар самарадорлиги Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни баҳолаш мезонларига мувофиқ электрон порталда автоматик тарзда баҳоланишини, зарур ҳолларда, адлия органлари вакиллари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда, электрон порталга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини уч кун ичида жойига чиқиб ўрганишлари мумкинлигини, ўрганиш натижасида маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, бу ҳақда Адлия вазирлиги камчилик аниқланган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарини камчилик аниқланган кундан эътиборан бир кун ичида огоҳлантириб, мониторинг ва баҳолаш якуни бўйича тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган таҳлилий ахборотда уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар беришини, электрон порталда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлигини баҳолаш ҳар бир индикатор бўйича алоҳида юритилишини, Адлия вазирлиги томонидан ташкил этиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарадорлиги мунтазам равишда мониторинг қилиб борилишини ҳамда уни такомиллаштириб бориш чоралари кўрилишини, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан электрон порталга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари масъул ҳисобланишини баён қилди.

Кун тартибига киритилган масала атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш иштирокчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, савол-жавобларни инобатга олган ҳолда, йиғилиш **қарор қилади:**

Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимлари:

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларни янада пухта билиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга қатъий амал қилиш, амалиётда тўғри тадбиқ этиш ва қўллаш алоҳида эътиборга олинсин;

- юқоридаги қонун ҳужжатида мувофиқ, Электрон порталга киритилаётган маълумотлар (тарғибот материаллари) ҳаққонийлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши бўйича, ҳар бир тузилма раҳбари ва масъул этиб белгиланган ходимлар шахсан масъул эканликлари алоҳида белгилансин”

- юридик хизмат ходимлари томонидан ўз ташкилотларида ходимларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилсин”

- барча ходимлар томонидан, янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун моҳияти билан танишиб, ўзларининг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришлари лозимлигига эътибор қаратилсин.

Баёни олиб борувчи

A handwritten signature in blue ink, appearing to be 'Sh. Gaibnazarova', with a long horizontal stroke extending to the right.

Ш.Гаибназарова